

## **VI.КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)**

2019 йилнинг 1 январь холатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 12364 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрида ялпи худудий маҳсулотнинг 54,3 фоизи (2017 йил январь-декабрида 55,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1971,9 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 18,7 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 19,0 фоизга ошган;

- 6621,3 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 1,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,1 фоизи) ташкил қилди;

- 1312,9 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 21,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 16,6 фоизга кўпайди;

- 1549,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,6 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,4 фоизга кўпайди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 4,4 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 90,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 82,9 фоизи ёки 3678,8 млрд. сўми (ўсиш 3,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 57,5 фоизи ёки 2565,3 млрд. сўми (ўсиш 6,8 фоиз) шакллантирилди;

- 45,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 9,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 169,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 60,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6621,3	99,1
Саноат	1971,9	18,7
Курилиш	1549,8	84,6
Чакана савдо	3942,9	88,8
Юқ ташиш, млнтн.	21,5	90,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	125,2	96,1
Экспорт, млн. АҚШ долл.	45,0	9,9
Импорт, млн. АҚШ долл.	169,1	60,3


**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик  
тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши  
(умумий ҳажсмга нисбатан фоиз ҳисобида)**




2018 йил январь-декабрь ойларида 2177 та кичик корхона ва микрофирмалар (дөхқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (1648 та) 32,4 фоизга ўси.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар саноат тармоғида (барча рўйхатга ўтганларнинг 23,0 %), савдо (20,7 %), қурилиш (19,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,8 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (6,7 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (3,9 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.


**2018 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши  
(дөхқон ва фермер хўжаликларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**



**2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**




**2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари**



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шаҳри (1870,0 млрд. сўм), Беруний (404,1 млрд. сўм) ва Хўжайли (371,9 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

## 2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат қўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 54,3 фоизни ташкил қилиб, 2017 йилнинг мос даврига (55,8) нисбатан 1,5 фоизли пунктгага камайди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик тадбиркорлик субъектлари улушининг камайиши республикада йирик ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши билан боғлиқ.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Шуманай (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши 100,0 %), Қораўзак (99,9 %), Тахтакўпир (99,9 %), Нукус (99,9) ва Чимбой (91,9 %) туманларига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат қўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Шуманай (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 98,3 %), Қораўзак (98,2 %), Нукус (97,6 %), Тахтакўпир (97,4 %), Кегейли (97,2 %), Беруний (96,9 %) ва Амударё (96,0 %) туманларига тўғри келди.

Курилишда Тахтакўпир, Чимбой, Тўрткўл, Шуманай, Нукус ва Қораўзак туманлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми курилиш ишлари умумий ҳажмига нисбатан 100 фоизни ташкил этди.


**2018 йил IV чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш,  
фоиз ҳисобида**



Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2018 йил IV чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, респондентларнинг 31,1 фоизи иқтисодий вазиятни қулай, 67,2 фоизи қониқарли ва 1,6 фоизи қониқарсиз деб баҳолаши кузатилди.

**Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес мухитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини хulosha қилиш мумкин.